



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
BOG‘OT TUMANI HOKIMINING
QARORI**

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 14 - may

7800 -son

Bog‘ot shaharchasi

Bo‘ot tuman hududidan ўtuvчи “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ “Кўнғирот минтақавий темир йўл узели”нинг 18-сон Урганч темир йўл бўлимига қарашли темир йўл минтақаси ерларида бажарилган хўжаликлараро ер тузиш лойиҳаси натижаларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 30 июндаги 152-сонли қарорининг “Темир йўллар давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисида”ги низомнинг 2-илоvasи “Ўзбекистон темир йўллари”АЖ нинг 2018 йил 10 майдаги “Кўчмас мулк объектларини йўқламадан ўтказиш ҳамда хўжаликлараро ер тузиш лойиҳасини ишлаш тўғрисида”ги 870-43-сонли буйруғига ҳамда Боғот тумани ҳокимининг 2019 йил 15 ноябрдаги 231ф-сонли фармойишига асосан ердан фойдаланувчилар ва ерга эгалик қилувчиларнинг чегара ва майдонларини аниқлаш, ердан фойдаланишдаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш ҳамда ривожлантириш истиқболларини назарда тутган ҳолда хўжаликлараро ер тузиш муносабатларини тартибга солиш бўйича ишлаб чиқилган лойиҳа ҳужжатларини ҳамда ушбу иш юзасидан ташкил қилинган туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг баёнини кўриб чиқиб, “Ер кодекси” нинг 6 ва 13 моддаларига асосан :

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Хоразм вилояти Боғот тумани ҳудудидан ўтуvчи “Урганч-Тошкент” темир йўлининг темир йўл минтақаси ерларида хўжаликлараро ер тузиш ишлари натижаларига кўра “Хонқа-Боғот-Ҳазорасп” йўналишида темир йўл минтақаси ер майдонлари 1-иловага асосан тасдиқлансин.

2. Боғот тумани ҳокимининг 2019 йил 15 ноябрдаги 231ф-сонли фармойишига асосан тузилган туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш


масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишнинг баёни маълумот учун қабул қилинсин.

3. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Д.Рўзиев)га темир йўл минтақаси ер майдонлари хўжаликлараро ер тузиш ишлари натижаларига кўра ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш топширилсин.

4. Ушбу қарорни тасдиғи вилоят ҳокимлигидан сўралсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини таъминлаш ва назорат қилиш туман ҳокими ўринбосарлари Э.Худайбергандов ва А.Курьязовлар зиммасига юклатилсин.

Боғот туман ҳокими



Ш. Яхшибаев